



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

1991 йили
ХИ
МАТИ

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

Ватанни
севмоқ
иймондандир

2020 йил 26 сентябрь • шанба • № 106 (4391)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Наманган
вилояти

Касаба уюшма кўмагида

«Мен тадбиркор бўлдим»

Наманган вилоятида касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан бир қанча ҳудудларда янги ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлади.

Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғида «Мусохон-Асолат келажак» масъулияти чекланган жамияти 30 нафар аёлни иш билан таъминлади. Айни пайтда бир неча турдаги трикотаж маҳсулотлари, болалар кийимлари, кўрпа-ёстиқлар тайёрланаётган кичик корхона қошида ўқув курслари ҳам ташкил қилинган.



Йилига 300 нафар хотин-қизга тикувчилик, пазандачилик, компьютер технологияси, дизайнерлик соҳаларини ўргатишни мақсад қилган корхона раҳбари Моҳидил Исоқова тадбиркорликни бошлашига беминнат ёрдам бериб келётган касаба уюшмалари кўмагидан бағоят мамнунлигини билдирди.

Ички бозорга арзон ва сифатли трикотаж буюмларини етказиб бераётган кичик корхона келгусида ўз фаолиятини кенгайтириб, экспортга ҳам маҳсулотларини йўналтиришни мақсад қилган.

Қишлоғимиз аёллари байрам арафалари ва тўй-ҳашам тадोरини кўриш зарурати туғилганда сочиларини турмаклаш, пардоз-андоз учун ҳам туман марказларига йўл олишда, — дейди Моҳидил. — Шу камчиликни бартараф этиш ниятида айни пайтда кўп тармоқли корхона қошида гўзаллик салонини очдик.

Ҳали ёш бўлишига қарамай, қишлоқда иш-



сиз юрган аёлларни иш билан таъминлаган, шу орқали ўз бизнесини яратиб, кўплаб оилаларга моддий томондан кўмак беришга интилаётган Моҳидил сингари ёш тадбиркорларни касаба уюшмалари мунтазам кўлаб-қувватлаб келмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



КҮН
НАФАСИ



Давлатимиз раҳбари «Табий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



Шавкат Абдуразоқов
Наманган вилояти ҳокими ва-
зифасини бажарувчи этиб тай-
инланди.



Хайрулло Бозоров
Фарғона вилояти ҳокими ва-
зифасини бажарувчи этиб тай-
инланди.

Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривож-
лантириш агентлиги раҳба-
рияти Қашқадарё вилоятида
шаҳар ва туман сектор раҳбар-
лари фаолиятини жадаллашти-
риш, уларга услубий ва амалий
кўмак бериш, агентликнинг ви-
лоят филиали томонидан бу
борада амалга ошириши ло-
зим бўлган ишларни муво-
фиқлаштириш мақсадида ўрга-
ниш ишларини олиб бормоқда.



2020-2021-ўқув йили учун
олий таълим муассасаларининг
бакалаврият таълим йўналиш-
ларига кириш тест синовлари
бўйича танлов натижалари Дав-
лат тест марказининг расмий
веб-сайтида эълон қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси Тош-
кент вилоятининг бўстонлик ту-
манидаги дам олиш масканла-
рини ижарага олиш тўғрисида
ишончли маълумотларнинг
янги хизмати — **ogot.uz** ягона
электрон платформасини
ишга туширди.

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат қўми-
таси Ўзбекистон Журналист-
лари ижодий уюшмаси билан
ҳамкорликда «Экология мав-
зусига доир энг яхши мақола-
лар» танловини эълон қилди.

ЎзА хабарлари
асосида тайёрланди

Муносабат



Буюк тарихий ҳодиса – Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбек тилида сўзлаган нутқини тинглаб...

БМТда янграр Навоий тили

Дунё ангиланди дунё олдида,
Эзгулик олдида, зиё олдида,
Шукурга қарзим кўп Оллоҳ олдида,
БМТда янграр Навоий тили.

Асрий музикаларни эритар бу тил,
Юракдан гафлатни аритар бу тил,
Дунёни ҳикматга ёр этар бу тил,
БМТда янграр Навоий тили.

Онажон тилим – бу, осмон тилим – бу,
Ҳар сўзи сурати Раҳмон тилим – бу
Навоий шеър ичра султон тилим – бу,
БМТда янграр Навоий тили.

Тилим кесмоқ бўлган қиличлар синди,
Қасд ила қайралган тўфонлар тинди,
Қашқирдек увлаган бўронлар тинди,
БМТда янграр Навоий тили.

Уни деб, Қошғарий кўз ёшга чўккан,
Боғим – у, Боқирғон дуолар эккан,
Онам – у, кўксига шамоллар теккан,
БМТда янграр Навоий тили.

Ор ила номус-у тан жон ичинда,
Ёқдилар, ёнмади хазон ичинда,
Энг азиз гавҳар-у уммон ичинда,
БМТда янграр Навоий тили.

Муҳаббат, садоқат қошонасида,
Хумо қуш парвози пешонасида,
Учинчи Ренессанс остонасида,
БМТда янграр Навоий тили.

Тошларни синдириб ёриб чиққан нур,
Сена раво бўлсин ҳазрати Хиёр,
Дунё турғунча тур! Дунё турғунча тур!
БМТда янграр Навоий тили.

Зулфия МҮМИНОВА

Соғломлаштириш

Имтиёзли йўлланма: ИМКОНИЯТ ЯНАДА ОШДИ

Бугунги кунда коронави **Бугунги кунда коронавир-
руста чалинган беморлар-
нинг айримлари ўпка пнев-
монияси туфайли касал-
ликни оғир кечирмоқда.**
Афсуски, пневмонияда ўп-
канинг қайта тикланиши
узоқ вақтни талаб этади.
Бунда, айниқса, соғлом
турмуш тарзи, витамин-
ларга бой овқатларни та-
новулли қилиш, ва албатта,
бадан тарбия ва нафас
машқлари муҳим аҳама-
ятга эга.



наторийлардан бирига имти-
ёзли йўлланма олиш имконияти
яратилгани ёш аззолар учун кў-
шимча имтиёздир.

Бунга қўшимча равишда
пандемия ва унинг оқибатла-
рини ҳисобга олиб, Ўзбекистон
касаба уюшмалари Федерация-
си Кенгаши Раёсатининг 2020
йил 4 сентябрдаги қарори бил-
дан тасарруфдаги санаторий-
ларга йўлланмалар бериш тар-
тибига вақтинчалик ўзгартиш
киритилди.

Амалдаги йўриқномага асо-
сан ходим 2 йилда бир маро-
таба имтиёзли йўлланма олиши
мумкин бўлган бўлса, қарор бил-
дан 2021 йилнинг март ойига
қадар ҳар йили бир мартаба
имтиёзли йўлланма олиш имко-
нияти яратилди.

Оддий тилда тушунтиради-
ган бўлсак, 2019 йилда имтиёзли
йўлланма олган ходимлар 2020

йилда ҳам санаторийларга имти-
ёзли йўлланма олиши мумкин.
Худди шунингдек, 2020 йилда
имтиёзли йўлланма олганлар,
2021 йилнинг 31 март кунига қа-
дар яна бу имкониятдан фойда-
лана олади. Йўлланмаларни ай-
нан қайси ходимга бериш маса-
ласи ҳар бир бошланғич касаба
уюшма қўмитаси томонидан
ижтимоий адолат принципи асо-
сида ҳал этилади.

Пандемия шароитида бун-
дай имконият ва шароитлар-
нинг яратилиши инсон манфа-
атлари ҳамма нарсадан устун
тамоилининг касаба уюшма-
ларида жорий қилинган амалий
қўринишларидан биридир.

Мансуржон МАХБУБОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат
хизмати ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИНING
ЮРИДИК
КЛИНИКАСИДА
ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН,
ТУН-У КҮН ФАОЛИЯТ
ЮРИДАГИАН

1092 –

қисқа рақамли
«Ишонч» телефони –
«Call-center»га

Меҳнат муносабатлари
юзасидан ўзингизни қи-
зиқтирган барча масала-
лар юзасидан мурожаат
йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та
ҳудудий бирлашмада ҳам
фаолият кўрсатмоқда.
Бу ерда касаба уюшмаси
аззоси бўлишдан қатъи
назар, барча фуқароларга
бепул юридик хизмат
кўрсатилади.

Меҳнат муносабат-
лари, айниқса, мажбурий
меҳнат билан боғлиқ ма-
саладар Ўзбекистон ка-
саба уюшмаси Федера-
циянинг доимий эътибо-
рида!



АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК
ЖАРАЁНЛАРИ
Ўзбек дипломатияси муваффақиятларининг
ёрқин ифодаси

Мезоннинг
авзоига қараб..

«Меҳр
витами́нлари»
ётарлими?

Дилга ишонч, хонадонларга файз киритган ташаббус

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, турмуш иқир-чиқирлари билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш пандемия шароитида ҳам бир зум сусайгани йўқ. Касаба уюшмалари етакчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятдаги 1097 та маҳаллада яшовчи 5305 та кам таъминланган оилаларга мансуб 6478 та муаммони аниқлаб, зудлик билан аҳволни ўнлашга киришди.



— Ургут туманида истиқомат қилаётган бир қанча аёл муҳим иш ўрнига эга эмаслиги, имкон берилса, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшиши истагини билдирганди, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Анавар Шерматов. — Ўтган фурсатда 30 нафардан ортиқ хотин-қизга замонавий тикув машинаси етказиб берилган, туман ҳокимлиги ташаббуси билан уларнинг барчаси худуддаги корхоналарда касаначилик асосида фаолият бошлади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

«1»

Бу не саодатки, Абу Райҳон Бериунӣ, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоӣ, Мирзо Улуғбек, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳоларини етиштирган она заминимиз тили илк бор катта миқдорда янгради. Ушбу тарихий воқеа мамлакатимиз ва хориджа яшаётган миллион-миллион миллатдошларимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Ушбу маъруза ўзбек тилига чексиз ҳурмат ва эҳтиром тимсоли сифатида ҳар биримиз учун юксак ибрат намунаси бўлди. Бу ҳол ҳаммамизга она тилимизга бўлган муносабатда ҳам ўзига хос масъулият юклайди. Шак-шубҳа йўқки, бу айтилаётган ҳар бир сўз, фарзандларга берилаётган тарбия, бажарилаётган барча ишларда амалда ўз ифодасини топса, ҳар қандай саволга жавоб, муаммага ечим ўз-ўзидан топилади.

Жорий йилнинг 23 сентябри миллий тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш борасида зарҳал ҳарфлар билан битилмайдиган муҳим воқеа сифатида тарихда қоладиган бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бу чиқишини нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш билан кутиб олганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

«Ўзбекистон Президенти ушбу чиқишининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, БМТ тарихида илк мартаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғлини ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир. Ўзбек тилида сўзланган бу нутқ нафақат 34 миллионлик Ўзбекистон аҳлини, балки дунёдаги кўплаб мамлакатларда

ЎЗЛИК АКСИ

яшовчи миллатдошларимизни, хусусан, Афғонистондаги ўзбекларни ҳам чин маънода ғурурлантирди», — деди Афғонистон миллий исломий ҳаракати асосчиси, Афғонистон ўзбеклари раҳбари, маршал Абдул Рашид Дўстум.

Дунёда ўз она тилини улуғламаган, унинг шаъни учун курашмаган халқнинг ўзи йўқ. Тил, бу — ўзлик. Унда ҳар бир халқнинг асрлар давомида босиб ўтган йўли, тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ва санъати, маънавияти ўзининг аққол

ифодасини топади. Тилсиз миллат ҳам, давлат ҳам бўлмайдди. Бу уч тушунчанинг бирини бошқасидан айро тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Абдулла Авлоний «Миллий тилни йўқатмак — миллатнинг руҳини йўқатмақдир», дея бежизга айтмаган.

Президентимиз «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарориди дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоёт муҳим ўрин

эгаллаб келаётган буюк қадрият эканини алоҳида таъкидлаган эди. Шундай экан, шу юрт ҳавосида нафас олиб, шу юрт фарзандиман, дея кўнжада фахр туйиб яшаб келаётган ҳар бир инсон бунга амалда ўз ҳиссасини қўшиши, ўз ОНА тилининг мавқеи учун астойдил курашмоғи лозим. Ана шунда ЎЗБЕК ТИЛИ халқаро тил мақомига эга бўлиб, бутун жаҳонда баралла янграйди.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маслаҳатчиси

Фарғона вилояти

ПАХТАНИ КИМ ТЕРЯПТИ? ёхуд теримчилар яратилган шароитдан мамнунми?

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларида иборат Ишчи гуруҳи пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчиларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилганини ўрганиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлиб турибди.



Ўрганишлар Ўзбекистон ва Бешариқ туманларидан бошланди. Сўнг Ишчи гуруҳи вакиллари Қўштепа туманида бўлди. Тумандаги «Паҳлавон ғуломжон ерлари» фермер хўжалигида айни пайтда 74 нафар теримчи пахта термоқда. Уларга етарли шароит яратилган. Тушлик пайтида иссиқ овқат берилмоқда. Энг асосийси, ҳар бир теримчи билан меҳнат шартномаси тузилган. — Аввало, пахта йиғим-теримида қатнашиш учун меҳнат шартномаси тузим. Шундан сўнг ишга киришимиз, — дейди Ширмоной Абдужалилова. — Терган пахтанинги ҳар бир килоси учун 1000 сўмдан ҳақ олялман. Кеча 85 килограмм пахта териб, 85 минг сўм ҳақ олдим.

Жамоатчилик назорати

Насиббахон Қўчқарова илғор теримчилардан. Шижоатига қойил қолмасдан илож йўқ, Қунига 170 килограмдан кам пахта термайди. Унга «Fergana Global Textile» МЧЖ кластери томонидан телевизор тўхфа қилинди.

— Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймаслик лозим, — дейди Темирийўлчилик ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуд Рўзметов. — Пахта териш истагини билдирган фуқаролар, аввало, фермер хўжалиги ёки кластер раҳбари билан меҳнат шартномасини тузиши керак. Бу ҳуқуқий ҳужжат орқали теримчиларнинг қафолатланган иш ҳақи ва муносиб шароитларда меҳнат қилиши таъминланади. Қўриб турибмики, деярли барча фермерлар теримчилар билан меҳнат шартномасини тузган. Аҳамиятлиси, ҳеч ким мажбурий равишда теримга жалб этилгани йўқ. Муҳими, теримчилар оиласига қўшимча даромад келтираётганидан рози.

— Кишини мамнун этадиган ҳолат шуки, бирорта пахта даласида болалар меҳнати, мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келмадик, — дейди Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. — Ким билан суҳбатлашмайлик, пахта далаларида муносиб иш шароитлари яратилгани, терим пуллари ўз вақтида тўланаётганини билдиришди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Меҳнатга муносиб баҳо

Бугунги синови кунларда малакали тиббий хизмат ва тиббиёт ходимларига эҳтиёж кескин ошди. Шундан келиб чиққан ҳолда соҳа вакиллари эл саломатлигини мустаҳкамлашга янада масъулият билан ёндашмоқда.

Айтиш мумкинки, тиббиёт бирлашмасида тиббий хизмат сифатини ошириш юзасидан кўрилатган қатор чоралар ўз самарасини бераётир. Бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, соҳага янги технологияларни жорий қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, ҳар қандай меҳнат муносиб баҳо-сини олишга ҳақли. Шундай бўлганда ҳам, Давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани шифокору ҳамшираларимизга ғайрат-шижоат бахш этмоқда.

Ўз навбатида, касаба уюшма кўмитаси иш берувчи билан имзоланган жамоа шартномаси шартлари бажарилиши юзасидан назорат ишларини ҳар қачонгидан кучайтирмоқда. Ҳар ойда мониторинг ўтказилиб, белгиланган мuddатларда бажарилаётган бандлар бўйича иш берувчи тақдир кўриштирилмоқда. Бу эса ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилаётир. Айтайлик, «Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури ижроси

сани таъминлаш мақсадида 25 нафар ходимга олти миллион олти юз тўқсон минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилгани ҳам айни мuddао бўлди. Кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизлардан 74 нафарига беш миллион икки юз тўқсон минг сўмлик совғалар тақдим этилди. 42 нафар ходимга икки миллион тўққиз юз қирқ минг сўмлик совғалар тарқатилди. Ўрта тиббиёт ходимларидан 80 нафари етти миллион икки юз минг сўмлик эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Пандемия шароитида ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2 миллион 600 минг сўмликдан зиёд гигиеник воситалар, 3 миллион сўмликдан ортиқ бир мараталик қўлқоплар тарқатилди. Тури байрамлар, ҳайит айёмлари муносабати билан ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. Рамазон ҳайити муносабати билан 22 нафар ходимга беш миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, Қурбон ҳайитида 5 нафар ишламайдиган пенсионерларга икки миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 8 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимга уч миллион сўм моддий ёрдам пули берилди. 2 нафар касаба уюшма фаоли



500 минг сўм миқдориди рағбатлантирилди. Мустақиллик байрами муносабати билан 75 нафар ходим совғалар билан тақдирланди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда, коронавирус профилактикасида фаол иштирок этиб келаятган соғлиқни сақлаш ходимларининг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саяхати туманимиз вакилларида ҳам олам-олам таассуротлар қолдирди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш

Тошкент шаҳри

Меҳнат муҳофазаси

Ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни касаба уюшмаларига кенг жалб этиш ва пировардида ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг ўрни алоҳида. Айни пайтда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси янги ташкил этилаётган корхоналарга аъзоликка жалб қилиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришмоқда.

Энг муҳим масала

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчисининг саяё-ҳаракати билан жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган «GENESIS BUILD» МЧЖ ҳам касаба уюшмалари сафига қўшилди. Эндилқда ушбу корхонада ишлайётган 70 нафардан ортиқ ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси таъминланди.

«GENESIS BUILD» МЧЖ асосан кир ювиш қуқунлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишчи-хизматчилар хизмат турига қараб, 1 миллион 500 минг сўмдан 3 миллион сўмгача ойлик маош олишади. Махсус кийим-бош билан таъминланган. Иш давомида бепул тушлик берилади. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида бир қанча



ишларни амалга оширдик, — дейди Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси Аваз Тўраев. — Хусусан, фаолиятимизнинг ярим йиллигида бир нечта ходимга бепул йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда давом этаётган пандемия даврида ижтимоий аҳоли ночор ходимларга бир мараталик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бир ойда тахминан 250-300 тонна маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонада техника хавфсизлигига қатъий риоя этилади. Ҳар тонг иш бошлангани шарафни олдиндан ишчиларга махсус йўриқнома алар асосида бу бўйича тушунтириш берилади. Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»



Хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида қорақалпоғистонлик Алланиёз Утениёзов ҳақида илгари кўп маълумот берилган. У шу қадар машҳур бўлганки, Куба президенти Фидел Кастро, Россия эстрада хонандаси Алла Пугачева, украинлик ака-юка боксчи Кличколар каби кўплаб таниқли шахслар эътирофига сазовор бўлган.

1936 йилда Кегейли туманининг Қазаяқли қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган Алланиёз дастлаб Қорақалпоқ давлат педагогик институтда ўқитган чоғида бир кунда 400 кил로그램, бир мавсумда 12-15 тонна пахта териби, пулни хайрия ишларига сарфлагани, ёзи таътил пайтида қишлоқдошга текинга уй куриб бергани билан тилга тушади.

1962 йилда институтни тугатгандан кейин у ўз қишлоғидаги 4-сонли мактабда 42 йил инглиз тилидан дас берган. Шу вақт мобайнида ёлғиз, ёрдамга муҳтож 42 нафар қарияга уй куриб берган. Бундан ташқари, 2 та мактаб, 2 та акушерлик пункт, 2 та болалар боғчиси ва кутубхона қурган. 174 та хондоннинг уйини беминнат таъмирлаган. Хайратланарлики шундаки, бу ишларни битта ўзи амалга оширган.

Саховатпеша инсон ҳақида ҳақида газета-журналларда кўплаб мақолалар чоп этилган. Собиқ Иттифокдаги «Правда», «Комсомольская правда», «Семья» ва бошқа нашрларда қатор мақолалар эълон қилингандан

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК «ХОТАМТОЙ»

ёҳуд дунё машҳурлари ҳавас қилган Алланиёз Утениёзов ҳақида

кейин уни бутун дунё таний бошлаган. Унинг номига дунёнинг турли бурчакларидан мактублар оқиб кела бошлаган.

Хусусан, Куба давлатининг президенти Фидел Кастро «Сиз ўз инсонийлик меҳнатини билан барча одамзод боласидан жуда юқори турасиз. Бу ишларингиз ёш авлодларни тарбиялашда намуна бўлади. Мен сизга тан берман» деб ёзган бўлса, россиялик машҳур эстрада хонандаси Алла Пугачева «Сизнинг хонлиқ хизматларингиз мен учун ибрат, миннатдорман. Сиздек одамнинг юртимизда бор эканига қувонаман. Халққа бепул қилган меҳр-шафқатингиз олдида таъзим қиламан» дея самимий тилак билдирган. Яна бир машҳур қўшиқчи Муслим Магоммаев уни «XX аср Прометей» деб атаган. Аргентиналик миллионер Сапун эса «Менинг кўл остимда 4 минг нафар киши ишлайди. Аргентинада энг бой одамлардан бирман. Хусусий мол, парранда фермаларим, фабрикаларим бор. Лекин менинг бойлигимиз сизнинг бойлигингиз қошида чирик дунёдир. Сизнинг инсонийлик, маънавий бойлигингиз ҳеч қачон ўймайди, чиримайди, манев қолади. Сизнинг қилган хизматингиз дунёда катта янгилик бўлди. Ўқиб кўриб, ҳайрон қолдим. Менга катта тўртки бўлди. Мен ҳам хайр-саховатли бўлишга бел боғладим», деб мактуб ёзган.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличконинг эътирофи қуйидагича: «Сизнинг халқингизга қилган хайрли ишларингизни эшитиб, биз жаҳон рингидаги галабаларимиз ҳақида айтишга оро қилишимиз. Чунки сиз 30-35 йилдан буюн ожиз ва камбағал кишиларга ёрдам бериб келяпсиз. Биз эса ўз «ишимиз»да рақибимизни 30-35 минут дўппослашимиз керак. Айнан шунинг учун укам Владимир билан бирга сизни отамиз сифатида кўрагимиз. Сиз биз учун идеал одамсиз. Мен ҳар доим рингга жангга чиқшидан аввал сизни тасаввур қиламан ва сизга ишонаман. Шу пайтда ўзимга куч-қувват тўплагандек сезаман ва ғолиб бўламан».

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Алланиёз Утениёзовнинг хайрли ишлари 1963 йилдаёқ давлат раҳбарларининг эътиборини тортган. Уша пайтда мамлакатда маккажўхори экиш кампанияси авжга чиққан бўлиб, Алланиёз Утениёзов биронта кимёвий ўғит қўлланмасдан маккажўхоридан мўл ҳосил олиб, собиқ Иттифок миқёсида рекорд кўрсаткичи қўлга киритади.

1964 йили маккажўхори кампанияси поёнига етади ва колхоз раиси Алланиёзнинг 40 гектар ерини олиб қўяди. Қорақалпоғистонда иши битмага, Алланиёз Шароф Рашидовнинг олдида боришга мажбур бўлади. Республика раҳбарининг ёрдамида унга яна ер ажратилади.

Шундан сўнг олдида Москва ва Тошкентдан мухбирлар келиб, у ҳақида кенг маълумот беришади. Алланиёзнинг макка даласини Шароф Рашидов ҳам бориб кўради.

1964 йили маккажўхори кампанияси поёнига етади ва колхоз раиси Алланиёзнинг 40 гектар ерини олиб қўяди. Қорақалпоғистонда иши битмага, Алланиёз Шароф Рашидовнинг олдида боришга мажбур бўлади. Республика раҳбарининг ёрдамида унга яна ер ажратилади.

1965 йили у ҳақида хужжатли фильм су-

ратга олинади. Шундан сўнг унинг машҳурлигини кўролмаган ҳасадўй ва ифвогар кимсалар собиқ партия кўмитаси мажлисларида Алланиёзнинг ҳаракатларини кулчилик деб қоралашга тушади. Иш шу даражага етдики, партия кўмитаси ривожланган социалистик жамиятда ҳашар услубини бекор қилиш тўғрисида маҳфий қарор чиқаради. Бироқ улар ниятига етолмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олижаноб инсонни Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов ҳам ниҳоятда қадрлаган – уни Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон, Фитрат ва бошқа буюқлар қаторида эътироф этган.

2000 йилда Алланиёз Утениёзов 15 гектар майдонда «Саховат» номли боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил қилиб, бу ерда мева ва полиз маҳсулотларини етиштириш, уларни Меҳрибонлик ва Муруват уйларига бепул тарқатади.

Фидийи ва саховатпеша инсон Ўзбекистон Қаҳрамони мукофотига лойиқ кўрилади. Бутун ҳаётини саховат ва эзгу ишларга бағишлаган Алланиёз Утениёзов қилган ишларини кўз-кўз қилишни умуман ёқтирмаган. «Қорақалпоғистонлик хотамтой» деб ном олган буюқ инсондан яхши ном, хайрли ва ибратли ишлар мерос қолди. Улар ҳар бир инсонни мудом эзгуликка қорлайверади.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Эзгулик унутилмайди

Алланиёз Утениёзовнинг хайрли ишлари 1963 йилдаёқ давлат раҳбарларининг эътиборини тортган. Уша пайтда маккажўхори экиш кампанияси авжга чиққан бўлиб, Алланиёз Утениёзов биронта кимёвий ўғит қўлланмасдан маккажўхоридан мўл ҳосил олиб, собиқ Иттифок миқёсида рекорд кўрсаткичи қўлга киритди.



Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ

Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун таянч докторантура ва докторантурага

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади: магистр даражасига, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича);

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киририлган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Судьялар олий мактаби директори номига ариза;

талабгорнинг қисқача биографик маълумотномаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этидилар.

Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Судьялар олий мактаби директори номига ариза;

қисқача биографик маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг мувофиқлаштириш бўлимга ҳужжатларни 2020 йилнинг 15 октябрга қадар тақдим этишлари талаб этилади;

Хужжатлар Судьялар олий мактаби Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими томонидан 15 сентябрдан 15 октябрга қадар бўлган даврга: п/м 100097 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда (мўлжал: собиқ Олий ҳўжалик суди биноси, 423-хона) қабул қилинади.

Талабгорлар учун танловда иштирок этиш талаблари ва топшириладиган ҳужжатлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида»ги Низомда батафсил кўрсатилган.

Тел: (+99899) 816-33-76 Назоқат Байзақова, (+99893) 572-85-14 Рустам Ҳошимов
email: ilmiybulim@inbox.uz

Қашқадарё вилояти
1 октябрь
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни
Байрам арафасида

Қадим қадриятлар ва кўҳна тарихий замин – шаҳри Кешда туғилган ҳар бир кишининг қалбида аждодлар меросини ўрганишга интилиш ҳисси юқори. Утмиша ҳурмат ва эътибор ўта юксак даражада. Шу боис, байрам арафасида Самарқандга уюштирилган саёҳат шаҳрисабзлик 50 нафар педагогга олам-олам таассурот қолдирди.

Бағрикенглик қарор топган жойда меҳр-оқибат ҳам бардавом бўлади. Кенгашимиз томонидан ҳозирги пандемия шароитида 40 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ўқув қуроллари олиб берилгани ҳам хайрли ишлардан бўлди.

Ижтимоий ғимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган педагогларга (40 нафар) озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, 45 нафар ходимга дорӣ-дармон сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Умид ОРТИҚОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси

ИННОВАЦИОН ТУРИЗМ КЛАСТЕРИГА САЁҲАТ

Юртимизда туризм соҳасини пандемия шароитида мослаштирган ҳолда ривожлантириш йўлида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Яқинда фаолият бошлаган «Bukhara Desert Oasis & Spa» инновацион экотуризм кластери бу борадаги саёй-ҳаракатларнинг бир намунаси бўлди.

Ромитан туманининг Варрахша мавзесида, қадимий Бўронтепа тепалиги яқинида Туйғун Бобоев ғояси асосида ташкил этилган сайёҳлик мажмуаси 10 гектар майдондан иборат. У қўл бўйидаги пляж, карвонсаройлар, саксон ўринли бир қанча ўтов, сардоба, кўҳна Варрахша саройи макети, Шарқ ва Ғарб таомлари ресторани, шунингдек, соғломлаштириш масканлари, спорт ўйингоҳи каби объектларни ўз ичига олган.

Бу ерда саёҳатчилар от ва туялар, электромобиль ҳамда квадрациклларда сайр этиши, саҳналаштирилган томошаларни, мароқли шоу-дастурларни томоша қилиши мумкин. Айни пайтда экотуризм кластери бир вақтнинг ўзида 500 кишини қабул қилиш имконига эга. Яқин келажақда масканда маҳаллий ва чет эллик сайёҳларга экологик, тарихий, гастрономик ҳамда маданий туризм йўналишларида хизмат кўрсатилади. Қолаверса, мажмуа теварагидаги ўттиз гектарли агро-экобоғлар ҳам дам олувчилар ва туристлар диққатини ўзига тортиши шубҳасиз.

Кўни кеча Бухоро вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, шаҳар ва туман қасаба уюшмалари фаоллари, тармоқ қасаба уюшмаларининг масъул



Касаба сайр

ташкилотчилардан иборат уч зоти кишининг ушбу масканга саёҳати уюштирилди. Улар маскандаги шарт-шароитлар, хусусан, табиғий тарихи, маданияти, табиатини ўрганиш учун яратилган имкониятлар билан яқиндан танишиди. Жабҳа вакилларининг инновацион туризм кластерига саёҳатлари таассуротларга бой бўлди.

Розия НУСРАТОВА, Бухоро вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси матбуот котиби

Эълон

«Far Piramida Invest» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бўлиш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «МАСТОНА» АЖнинг 22.09.2020 йил кўни 149-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги мулк қўйилмоқда: «Мастона» АЖга қарашли, Данғара тумани, Тошкент кўчасида жойлашган «Мастона» улгуржи чакана савдо маркази шўба корхонаси бино ишоотлари.

Умумий майдони – 60136,19 кв.м, фойдали майдони – 17256,53 кв.м. Бошланғич баҳоси – 3 328 655 450 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 октябрь кўни соат 11:00да «МАСТОНА» АЖ биносида ўтказилади.

Аукцион савдолари шу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 3-, 17 ноябрь кўнлари бўлиб ўтади.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўл-

маган миқдорда закат пулини «Савдо ташкилотчиси»нинг қуйидаги ҳисобрақамига тўлаши лозим: «Far Piramida Invest» МЧЖ, «Асака банк» Фарғона филиали, ҳ/р: 22626000804602810001, МФО: 00539, СТИР: 300353028.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00дан 17:00гача қабул қилинади ва аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 17:00 тўхтатилади.

Савдо натижасига кўра, савдо ғолиби билан 20 кун муддат ичида «олди сотди» шартномаси тузилади ва мулкнинг сотув нархининг қолган 85 фоизини амалга оширади.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртманомани тақдим этади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслар – уларнинг уста-

вини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаб гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаб гувоҳномаси нусхаси;

– аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат пулини тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини.

Аукцион савдоси юзасидан қўшимча маълумотларни (90)-630-66-99 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 78-уй, 75-хонадон.
Ҳурматли тadbirkor ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Лицензия №RR-0131

Огоҳлик



Ёнаётган хазон – барчага зиён

Юртимизга куз келди. Ҳадемай хазонрезги бошланади. Ана шунда барчамиз огоҳлигимизни оширишимиз зарур бўлади. Негаки, бу паллада айрим жойларда тўпланган хазон барглари-нинг ёқиб юборилиши ҳолатлари кўпайиши мумкин.

Маълумотларга кўра, бир тонна хазон ёқиши оқибатида атмосферага ўттиз килограмм углерод оксиди чиқарилади. Бундан ташқари, тугун таркибда инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа захарли моддалар, яъни олтунгурт ангидриди, қурум, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар – диоксинлар ҳам мавжуд. Мазкур захарли моддаларнинг ҳавога тарқалиши аллергик касалликларни кўзга-тади, астма касаллиги билан оғрийтган беморлар аҳволини ёмонлаштиради, ҳаттоки, сил ва саратон каби оғир касалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Хазоннинг ёниши нафақат атроф-муҳитга салбий таъсир этади, балки кўплаб ёнгинларни келтириб чиқаради. Ёнаётган хазондан тарқалган ўт бошқа жойларга – аҳоли яшаш ҳудудлари, таълим масканлари, дала-лардаги ҳосилга ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

Шу боис, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда бўлиб, кенг қўлмалли тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Уларга хазонларни маълум жойларга чиқариб ташлаш, имкони бўлса, қайта ишлаб, ундан аумули фойдаланиш чораларини кўриш зарурлиги уқтирилмоқда.

Огоҳлик ҳар доим ҳамроҳимиз бўлмоғи лозим. Зеро, ўзимизни эҳтиёт қилсак, атроф-муҳитга бепарво бўлмасак, жамиятга катта наф келтирган бўламиз.

Актам НАЗАРОВ,
Муборақ ҚИЗ ОБЕХТЎЗЕ
27-қисм бошлиғи

Қариси бор уйнинг париси бор

Ер қуррасида 100 ёшли инсонлар энг кўп яшайдиган мамлакат, кунчиқар юрт – Япония ҳисобланади. Энг кекса вакил сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган Канэ Танака эса 117 ёшни қарши олди. 1903 йилнинг 2 январиде туғилган, шоколад ва газланган ичимликларни яхши кўрадиган Канэ Танака 120 ёшга чад яшаш ниятида. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозирда Японияда 100 ёшдан ошган 80 минг нафардан ортиқ киши бор бўлиб, шуларнинг 88 фоизини аёллар ташкил этади. Вақоланки, 1963 йилда Японияда 100 ёшдан ошганлар атиги 153 киши бўлган, 1981 йилда улар сони мингга, 1998 йилда эса ўн мингга етган. Аваалги рекорд ўтган йили 117 ёшу 260 кунлигида вафот этган Наби Тадзимиға тегишли.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮЗ ЁШЛИ ИНСОНЛАР ҚАНЧА?

Бугун мамлакатимизда 100 ёшли ва ундан ошган кексалар сони 8700 нафардан зиёдни ташкил этгани ҳолда уларнинг аксарияти Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни вақтда 100 ёшли ва ундан ошган нурунийлар сафиде бўлган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Олмалик шаҳрининг «Терекли» маҳалласида яшаётган 101 ёшли Абдурахим ота ва ўтган асрнинг 20 йилларида таваллуд топиб, бугун ролпа-роса 100 ёшни қарши олиб турган Ризвон она каби қаҳрамонларимиз ҳаётига бир кур назар ташлаймиз.

ОКОПДАГИ ОРЗУЛАР...

Инсоният тарихида беш мингдан ортиқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ушбу жангу-жадаллар ичиде Иккинчи жаҳон уруши бемисл талафотлар келтиргани билан ҳамон дилларни зирқиратади. 22 ёшида онаси тутган нондан бир тишман олиб, «омон қайтармиканман», дея олис юртларга йўл олган Абдурахим ота Беларус остоналарида жанг қилди.

Уруш нафаси келиб турган окопларда фақат битта нарсани орзу қиларди: омон қайтсам, болаларим, яқинларим учун ўчоқларни гуриллайтиб, кўп-кўп овқатлар пиширтираман... Беш йил шу орзулар, умидлар куч берди, яшашга ундади,



Жалолиддин Румий

«ЖОНИМНИ АСРАЙ!»

Бир одам шошилганча ҳазрати Сулаймоннинг саройига келди. Юзи ғам-қайғудан сарғайиб, қўрқувдан лаблари қалтирар эди.

Ҳазрати Сулаймон ундан «Сенга нима бўлди?», деб сўради.

«Эй Султон, Азроилини кўрдим, менга шундай назар солдики...»

Ҳазрати Сулаймон «Мендан нима истайсан?», деди.

«Шамолга амр қилинг. Мени Ҳиндистонга элтсин. Жонимни асрай!», деди.

Ҳазрати Сулаймон амр қилди. Шамол уни денгизлардан ошириб Ҳиндистон ерига олиб бориб қўйди.

Эртаси куни бир мажлис бўлиб, унда Азроил ҳам бор эди. Сулаймон пайғамбар ундан «У бечора одамни ватани, оиласи, мол ва мулкидан айириш учун шундай нигоҳ билан қарадингми?», деб сўради.

Азроил «Мен унга ғазаб билан қарамадим, ажабланиб боқдим. Чунки, Аллоҳ менга унинг жонини бугун Ҳиндистонда олишимни амр қилган эди. Унинг қирқ қаноти бўлса ҳам, бу ердан Ҳиндистонга келиши мумкин эмасди. Мен шу сабабдан ажабланган эдим. Шу кеча мен унинг жонини Ҳиндистоннинг фалон жойида олиб қайтдим», деб жавоб берди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Биз кимдан қочаямиз? Ҳиндистонданми, бу ҳаёлий бир нарса холос-ку?! Кимдан яширинаямиз? Аллоҳданми, бу ҳам ҳаёлдан бошқа эмас-ку?! Дунё – Аллоҳдан гофил бўлмоқдир. Билгинки, дунё фақатгина бола-чақа, аҳли-аёл, кийим-кечак ва молиявий тижоратдан иборат эмас, шуни асло унутма! Бу дунё зиндондир, биз эса маҳбусларимиз. Зиндондан қочиш ўзинини қутқар. Асло унутмагинки, илоҳий қазо ва қадардан қочиш қўтилиш имконсиздир.

ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ ҚИЛСИН

Ҳазрати Исога бир нодон киши ҳамроҳ бўлди. Йўлда кетишар экан, бир кудук атрофида ётган суякларни кўриб қолди.

Ҳазрати Исога «Эй йўлдош дўстим, ўликларни тирилтирадиган муборак сўзларингизни менга ҳам ўргатсангиз. Менинг ҳам инсонларга фойдам тегса, ўликларга жон бахш этсам!», деб сўради.

Ҳазрати Исо «Жим бўл! У сен қиладиган иш


«Маснавий»дан ибратли ҳикоятлар

эмас!» деб жавоб берди.

Лекин бу жоҳил кимса у зотни ҳол-жонларига қўймай, «Агар менга ўргатмасангиз, у муборак сўзларни ўзингиз ўқингиз, мана бу суякларни тирилтиринг», деди.

Ҳазрати Исо нодоннинг ишидан хафа бўлиб, «Эй Роббим, нега бу одам ўзининг ўлган қўнгли қолиб, бошқаларнинг дардига дармон бўлишга уринади?!», дедилар. Ноилоҳ, ҳазрати Исо Аллоҳга дуо қилдилар. Аллоҳ суякларга жон берди. Суяклар орасидан баҳайбат шер чиқди ва бир панжа уриб нодонни ўлдириб қўйди.

Эй Парвардигор! Бўлмағур, фойдасиз нарсалардан бизни узоқлаштир. Бизга асал бўлиб кўрингани заҳар, нажотдек туюлгани тузоқ бўлиб чиқар экан. Бизга ҳар нарсани асл ҳолича кўрсат!



Эълонлар

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, Йўлгоҳи (А.Ортиқов) ҚФЙ, «Ўзбекистон» маҳалласи, «Соҳибкор» кўчасидаги рақамсиз уй учун Артикава Нодира Саттаровна номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолигани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, Йўлгоҳи (А.Ортиқов) ҚФЙ, «Ўзбекистон» маҳалласи, «Соҳибкор» кўчасидаги рақамсиз уй учун Артикава Нодира Саттаровна номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолигани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Беруний тумани кенгаши расми Бахтияр Матқубовга отаси

РЕЙМБАЙ отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Андижон вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бирлашма раисининг ўринбосари Гулнораҳон Абдуллаевага онаси

Ҳамидхон АБДУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Кексалик сирлари

– дейди 101 ёшли Абдурахим ота Мавлонов.

Икки аср саодатини кўриб турган Абдурахим отанинг 8 нафар фарзанди, 30 нафар невараси, 57 нафар чевараси, 15 нафар эвараси ва бир нафар дувараси борки, улар учун хуррам кунлар шукронасини келтириб, икки қўлини дуога очади.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ...

117 ёшида ҳам газланган ичимликлар ва шоколадни севиб истеъмол қиладиган Канэ Танакага (аёл киши) қиёсан айтадиган бўлсак, 1920 йилнинг 20 март санасида таваллуд топиб, бугун муборак 100 ёшни қарши олиб турган Ризвон Маркабаева сут-қатиқ маҳсулотларини суюб истеъмол қилади. Сўзи ҳикмат, умри ибратга тўла қаҳрамонимизнинг 10 нафар фарзанди, 32 нафар невараси, 75 нафар чевараси ва 13 нафар эвараси бор. У фермада сут соғувчи сифатида меҳнат қилган. Тўнғич фарзанди Ширин Назарова 73 ёшни қарши олган бўлса, кенжа фарзанди Ҳулумжон Маркабаев 54 ёшда. Ризвон ая ҳамша бир гапни кўп таъкидлайди:

«Инсонга берилган умр узунлиги билан эмас, мазмуни билан қадридир!»

ХУЛОСА

Дунёда ҳар дақиқада икки киши ўзининг 60 ёшга тўлганини нишонлайди. Бу дегани йил давомида 60 ёшни қаршиловчилар сони 58 миллионга етади. Халқаро қариялар куни муносабати билан Global Age Watch Index халқаро ташкилоти пиру бадавлатлар учун энг яхши мамлакатлар рўйхатини эълон қилган. Унга кўра, кекса инсонлар учун энг қўлай шароит Швейцария яратилган. Норвегия ва Олмония эса юқори учликка қиради. Энг тез қарияётган мамлакатлар сифатида Йордания, Лаос, Мўғулистон, Никарагуа ва Вьетнам тилга олинади. Мамлакатимиз бу рўйхатнинг 50 талигидан жой олган.

«Қариси бор уйнинг париси бор» деган муқаддас тушунчалар халқимизнинг кекса инсонларга бўлган муносабатида тўлиқ намоён бўлади. Мана шу оқилона ва халқона қадриятлар Абдурахим ота Мавлонов ҳамда Ризвон она Маркабаеванинг ибратли ҳаётларининг моҳияти ва мазмунидир!

Дилафруз ЭГАМБЕРДИЕВА,
тиришчилик ва оғир кўрналиёт

Митти ҳикоялар



ҲАЙКАЛ

Бир одам ҳайкалга қараб гапирар эди.
Олдида туриб қолдим.
Кузатаётганимни сезиб деди:
– Менга ҳам қулоқ соладиганлар бор.

ЗИДДИЯТ

Устозим «ғўзалликни англай бошладим, ҳаракатингни ошир», деди.
Ҳаракатини оширдим.
Аммо энди олдинларига менга чиройли кўринган баъзи нарсаларнинг аслида хунук эканини ҳам англай бошладим.

ВАЪДА

Оғзимдан чиқиб кетди. Қайтариб ололмадим.
... Уйламай берилган ваъдани.

ТУШДАГИ ҚАРСАК

Бир олим сўзга чиқиб, «Домланинг илмий ишлари зўр, тан олайлик» деди.
Қарсақ чалиб тасдиқлашди.
Ҳаяжондан йиқилай дедим.
Аммо йиқилмадим – уйғониб кетдим.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

МУАССИС:



ISSN 2010-6009
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (Таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМОНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўхроб РАҲИМОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,
Нодира ҚАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳридин ШУКУРОВ,
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

- Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Новий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Ташкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фойдаланиш мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

- С. Абдураҳмонов
Муҳажир:
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Боснига топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 18:20

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Бўғуртма Г – 917.
27841 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер маркизида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарувчи раиси эътидо.

Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protex bank»
Яншобод филиали,
банк номи: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Жиззах-донмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 22.09.2020 йилдаги бюортномасига асосан Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси, 10-уй худудида сақланаётган қуйидаги махсус техникалар қўйилмоқда:

1. «Кейсс», 2010 й. и.ч. д.б 25 АА 484, 6,6 – 246 949 000 сўм;
2. «Кейсс», 2010 й. и.ч. д.б 25 АА 485, 6,6 – 235 190 000 сўм;
3. «Не Холдинг», 2012 й. и.ч. д.б 25 АА 487, 6,6 – 254 789 000 сўм;
4. «Не Холдинг», 2012 й. и.ч. д.б 25 АА 489, 6,6 – 243 030 000 сўм;
5. «Не Холдинг», 2012 й. и.ч. д.б 25 АА 517, 6,6 – 222 376 000 сўм;
6. «Не Холдинг», 2012 й. и.ч. д.б 25 АА 488, 6,6 – 217 714 000 сўм;

7. «Не Холдинг», 2012 й. и.ч. д.б 25 АА 486, 6,6 – 239 110 000 сўм;
8. «Даминатор Класс», 2015 й. и.ч. д.б 506 ВА 25, 6,6 – 163 229 000 сўм;
9. «Даминатор Класс», 2015 й. и.ч. д.б 509 ВА 25, 6,6 – 253 199 000 сўм;
10. «Даминатор Класс», 2015 й. и.ч. д.б 504 ВА 25, 6,6 – 237 246 000 сўм;
11. «Даминатор Класс», 2015 й. и.ч. д.б 503 ВА 25, 6,6 – 232 235 000 сўм;
12. «Даминатор Класс», 2015 й. и.ч. д.б 502 ВА 25, 6,6 – 237 365 000 сўм;

Очиқ аукцион савдолари 2020 йил 28 октябрь кунини соат 11:00да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 14-уйда бўлиб ўтади.
Агарда ушбу аукцион савдосига сотилмаган тақдирда такрорий савдолар

2020 йил 4-, 11-, 18-, 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Мазкур мулклар билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдо фолибига 10 (банк) иш куни ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади.
Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.
Талабгорлардан савдога иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади:
– савдо ташкилотчиси билан тузила-

диган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси;
– ариза;
– вакиллар учун ишончнома.
Мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун тўловни «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк «Ипотекабанк» АТИБнинг Қўхсарой филиали, х/р: 20208000900724516001, МФО:00262, ИНН:304619063) тўлашлари шарт.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 14-уй. Тел.: (93) 304-43-95

Гувоҳнома: 3029